

Ф.Ш.Қодирова,
ЎзДЖТУ мустақил тадқиқотчиси
ф.ф.д. (PhD), доцент

САНЪАТШУНОСЛИК ДИСКУРСИДА ТЕРМИНОЛОГИК АСПЕКТ

Дунёда глобаллашув жараёни турли халқларнинг миллий ва этник ўзига хослиги асосларини тадқиқ қилишнинг кучайиши шароитида рўй бермоқда. Бунда универсаллашув жараёни билан бир вақтда маданиятлар табақалашуви тенденцияси ҳам ривожланмоқдаки, бу вазият замонавий тасвирий ва санъат ва дизайн соҳаларининг этномаданий қадриятлар билан алоқасига ҳам йўл очмоқда.

Турли мамлакатларда тасвирий санъат ҳамда дизайн соҳасининг ривожланишидаги ўзига хослик бу соҳаларда минтақавий ва миллий хусусиятларнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлиб, улар айрим халқларнинг миллий-тарихий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларини акс эттирди ва объектларининг услубий жиҳатдан хилма-хиллигини асослади. Бир вақтнинг ўзида бутун инсониятга дахлдор бўлган глобал ўзгаришлар тасвирий санъат ва дизайн соҳаси тилининг бир хиллашувига туртки бўлиш баробарида соҳалар ривожига оид байналмилал йўналишларни ҳам белгилаб берди. Ушбу ҳолат эса соҳавий терминологиянинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, бугунги кунда рус ва ўзбек тилларининг ўзаро алоқаси ўзига хос маданий феномен ҳисобланиб, рус тили таъсирида ўзбек тилининг тасвирий санъат ва дизайн соҳавий луғат қатлами бойиб бормоқда. Ўзбек тилининг ушбу соҳаларга оид луғат бойлигида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар сақланиб қолган ҳамда узоқ вақтлар мобайнида сайқалланган. Бугунги кунда тасвирий санъат ва дизайн соҳасида русча ўзлашмалар ҳисобига янги луғавий қатлам шаклланмоқда. Масалан, ўзбек тилида мавжуд терминлар билан параллел равишда рус тилидан ўзлашган терминларнинг қўлланилиши натижасида синонимик қаторлар юзага келмоқда: *меъмор – архитектор, автогравюра – ўймакорлик, барельеф – паст рельеф, глиптика – асл тошлар ўймакорлиги санъати, контур – предметнинг умумий шаклини тасвирловчи кўриниш, абрис – чизиқ* кабилар.

Юртимизда тасвирий санъат ва дизайн соҳалари ривожига алоҳида эътибор қаратилиши миллий ҳунармандчилик ва рассомлик анъаналарининг қайта тикланиши ва миллий ўзига хосликка урғу бериш билан боғлиқ. Ҳозирги кунга қадар дизайнерлик ва рассомлик соҳаларида миллий анъаналаримиз тўлиқ ишга солинмаган. Бу ҳолат замонавий дизайн ва тасвирий санъатда миллий-маданий

моделларни тиклаш муаммосининг долзарблигини ошириб, тилшуносликда айнан шу соҳага тегишли бўлган терминлар тадқиқини амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Тасвирий санъат (тасаввурдаги кўринишларни акс эттириш санъати) –нафис санъат тури ва бадиий ижоднинг бир кўриниши ҳисобланади. Бу тушунча рассомлик, графика ва ҳайкалтарошликнинг турли кўринишларини умумлаштиради¹. Бошқача айтганда, тасвирий санъат – рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графикани мужассамлаштирган нафис санъат тури бўлиб, воқеликни осон илғаб олинадиган фазовий шаклларда кўргазмали образлар орқали акс эттиради. Тасвирий санъат турлари ўз хусусиятларига қараб реал борлиқни объектив мавжуд сифатлари – ҳажм, ранг, фазо, шунингдек, предметнинг моддий шакли ва нур, ҳаво муҳити, ҳаракат ва ўзгаришлари ҳиссини яратади, бунда тасвирнинг ҳиссий конкретлилигидан иллюзионизмга ўтиш мумкин. Тасвирий санъат фақат кўриш мумкин бўлган нарсаларнигина тасвирлаб қолмай, балки нарса-ҳодисаларнинг вақтинчалик ривожини, унинг у ёки бу қисми (фабула), эркин ҳикоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, дунёни ғоявий ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради².

“Сўнгги йилларда санъатшунослик соҳасида жанрий тушунчаларни англатувчи кўплаб терминлар (*постмодернизм, ўхшаишлик, субмаданият, парадигма, антропология, мейстрим, герменевтика, концепция, идиоматика, гедонизм* каби) пайдо бўлди. Бундай терминлар замонавий санъатда рўй бераётган жараёнларни аниқ ва тўлақонли акс эттира бошлади. Таъкидлаш жоизки, юртимизда санъат йўналишида янги терминларнинг юзага келаётганлиги табиий, албатта. Бу ҳолатга турли соҳаларда кечаётган умумий глобаллашув жараёни нуқтаи назаридан қараш тўғри бўлади”³.

Дизайн XX – XXI асрлар бадиий маданиятининг феномени бўлиб, мамлакатимизда бу термин пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Асримиз бошларида пайдо бўлган бу термин саноат, илмий ва технологик инқилобдан сўнг жадал ривожланиб, санъат фаолиятининг энг таъсирчан турларидан бирига айланди. Дизайнинг бадиий фаолиятнинг бошқа турларидан фарқи шундаки, у махсус илмий тадқиқотлар, инсон учун мақбул яшаш шароитлари, эҳтиёжлари ва замонавий технологиялар билан ўзаро муносабатлари асосида қулай муҳит

¹ Каган М. С. Морфология искусства. – Л.: [Искусство](#), 1972. – С. 440.

² http://www.gpedia.com/uz/gpedia/O%CA%BBzbekiston_milliy_ensiklopediyasi

³ Санъат журнали. Ўзбекистон Бадиий Академияси. № 3. – Тошкент, 2012. – 11 б.

яратишга интилади⁴. Кенг кўламдаги дизайнерлар олдида қўйилаётган талаблардан бири – анъанавий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш, унинг ҳақиқий кадр-қиммати аниқлаш, замонавий бадиий жараёнда асрлар давомида тўпланган бой меросдан кенг фойдаланиш ва боғлар дизайни соҳасида тарихий бадиий анъаналарнинг интерпретациясини фаол олиб боришда замонавий тенденцияларни татбиқ этиб, энг аввало инсонларга қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир⁵.

Дизайн термини инглизчадан таржима қилганда “design” – чизиш деган маънони англатади. *Дизайн* сўзи қуйидаги терминларнинг шаклланишида асос вазифасини бажарган: “дизайнер” – *рассом конструктор*, “дизайн-форма” – *буюмнинг ташқи формаси* ва ҳоказо⁶.

“Ўзбек миллий энциклопедияси”да *дизайн* термини қуйидагича изоҳланган: “Дизайн (инг. *Design* – лойиҳа, чизма, расм) – нарсалар муҳитини эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсадига қаратилган лойиҳалаш фаолияти турларини ифодаловчи термин”.⁷

Луғатларда⁸ *design* сўзи *режа, мақсад, мўлжал, ният, ўй; бадиий жиҳатдан ҳам ижодий режа, мақсад, мўлжал, ният, ўй, чизма, ҳисоб-китоб, конструкция, лойиҳа, эскиз, нусха, расм, нақш, безак, композиция*, шунингдек, *композиция санъати* ва *санъат асарлари* тарзида таржима қилинади. Аммо дизайн соҳасида халқаро термин сифатида эътироф этилган инглиз тилидаги кўп маъноли *design* термини бадиий-амалий, лойиҳавий-ижодий фаолият ва унинг натижаларини ифодаловчи термин сифатида қабул қилинган.

“Ўзбек миллий энциклопедияси”да дизайн соҳасига доир қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Дизайн фаолияти таркибига кенг истеъмол буюмлари, машина, дастгоҳ, кийим, реклама ва ўров материаллари, ишлаб чиқариш, жамоат ва тураржой биноларини жиҳозлаш, мебель ва бошқалар киради. Дизайн XX аср бошларида юзага келиб, 30-йилларда махсус фаолият тури сифатида Ғарбий Европа ва АҚШда шаклланди. 80-йилнинг иккинчи ярмидан Дизайннинг фаолият доираси кенгайди. Дизайнерлар *рассом сезгиси* билан бирга рангшунослик каби

⁴ Махмудова М.Т. Теория и методология дизайна / Impress media. – Ташкент, 2015. – С. 5.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий –иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 11 январь, 2017 йил, б.3.

⁶ Холмянский и др. Дизайн. – М.: Просвещение, 2003. – С. 36.

⁷ Ўзбек миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси

⁸ Большой англо-русский словарь: в 2 т./ Под общ. руковод. д-ра филол. наук, проф. И. Р. Гальперина и д-ра филол. наук, проф. Э. М. Медниковой. - 4-е изд., испр., с доп. – М.: Рус. яз., 1987. – Т. 1. – С.8. .

илмий фанларга, ишлаб чиқариш жараёни ва шароитларига, социология ва бошқа билимларга таянади. Дизайн соҳасидаги мутахассислар махсус олий ўқув юртларида тайёрланади. Жумладан, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳам интерьерлар ва саноат графикаси, либос дизайни бўйича мутахассислар тайёрланади”⁹.

Лойиҳавий бадиий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида дизайн соҳасининг пайдо бўлиши XIX аср охири – XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бу вақтда саноатдаги инқилоб натижасида оммавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнат турларининг ажралиб чиқишига олиб келди. Ҳозирги кунга келиб дизайн соҳаси постиндустриал жамиятнинг глобал ҳодисасига айландики, у лойиҳа амалиётининг янги соҳаларини қамраб олди. Дизайн соҳасида эстетик меъёрларнинг фаоллашуви, унга минтақавий ҳаваскорлик шакллариининг киритилиши соҳа ривожига туртки берди.

Дизайнерлик фаолиятида назарий ва амалий, техник ва бадиий дизайн турлари фарқланади¹⁰. Бу йўналишларда бир неча йиллардан буён ишлатиб келинаётган махсус, умумий адабий-бадиий ва сўзлашув услубига оид терминлар мавжуд.

В.Ю.Медведев *дизайн* сўзининг касбга доир маънолари асоссиз равишда йўқолиш арафасида эканлиги, ижодий фаолиятнинг бу соҳасида бадиий ижоднинг янги тури ва шакли тез-тез киритилаётгани ва тилларда ижодий соҳанинг табиатига, ўзига хос хусусиятига, энг асосийси, илгаридан машҳур бўлиб келган терминларига эгаллигини кўрсатиб ўтади¹¹.

Дизайнерлик ижодига хос асар нафақат утилитар мазмунга эга, балки айрим умуммаданий интенциялар, маънолар ва қадриятларни ифодалаши, шунингдек, субъектив мазмунларни билдириши ҳам мумкин.

Дизайн соҳасининг ривожланиш омилларидан бири нсонлар учун тўлақонли яшаш муҳитини шакллантиришдаги, жадал модернизация шароитида турмуш тарзининг маданий жиҳатдан давомийлигини таъминлашдаги иштирокини таъминлашга йўналтирилганлигидир. Бунда турмуш тарзи, меъморчилик ва дизайн асарлари ўртасида ҳаёт ва муҳит услуби ўртасида чамбарчас боғлиқлик бўлиши шубҳасиз. Предмет – макон муҳитининг шакл ҳосил қилиш усулларидаги фарқ турли миллат одамларининг дунёни қабул қилиш тарзи билан боғлиқ.

⁹Ўзбек миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси

¹⁰Медведев, В.Ю. Роль дизайна в формировании культуры: учеб. пособие / В. Ю. Медведев. - 2-е изд., испр. - СПб.: СПГУТД, 2004. – С.8.

¹¹Ўша жойда.

Мустақиллик давридаги туб ислохотлар юртимиз тасвирий санъати соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу, аввало, санъатда мафкуравий назорат бекор қилиниши натижасида ижод эркинлигини кўлга киритган рассомлар ижодида, уларнинг услубий ранг-баранглигида кўринади.

Ижод эркинлиги санъатда янги изланишлар, услуб ва йўналишларнинг ривожланишига олиб келди. Натижада реалистик (ҳаёт шакллари асосига қурилган санъат) ва авангард-модернизм санъатларининг ўзаро рақобати кучайди. Санъат асарини баҳолаш мезони ҳам ўзгариб, у ижодкорнинг шахс ички кечинмалари, ўй ва ҳаёлларини, онг остида ётган мураккаб туйғуларини қанчалик ифодавий шакл ва рамзларда кўрсата олиши билан баҳолана бошлади. Тасвирий санъат ва дизайн соҳасидаги бу каби ўзгаришлар соҳа терминларида ҳам бевосита акс эта бошлади.

Маълумки, тасвирий санъат ва дизайн дискурсида лексик-семантик бирликларнинг маданиятнинг кодли белгилари сифатида деривацияланиши тушунчавий-прагматик шартланганлик тамойилига таянади. Бу эса деривацион жараёнларнинг дизайн ва тасвирий санъатнинг предмет соҳаси учун асосий ҳисобланган энг муҳим образлар, тушунчалар, категориялар, рамзлар, концептларни номинацияловчи терминлар ва бошқа лексик бирликларга йўналтирилганлигини англатади. Тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминологиясида суффиксация, префиксация, аббревиация ва сўз ўзлаштириш кабилар термин деривациясининг асосий усуллари ҳисобланади.

Тасвирий санъат ва дизайн терминологиясини тадқиқ қилиш тилшуносликда ушбу соҳаларда дискурсининг турли кўринишлари шаклланиши тамойиллари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш имконини беради. Тасвирий санъат ва дизайн дискурсининг муайян кодни намоён этувчи маданият феномени сифатида ўрганилиши унинг маданий маконнинг бир тури сифатида тушуниш ва баҳолашга асосланган инновацион талқинини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тасвирий санъат ва дизайн соҳасидаги номинациянинг санъат дискурси маданий маконини шакллантириш омили сифатидаги таҳлили “*дизайн*”, “*тасвирий санъат*” феноменини рамзлаштириш объектига айлантириш тенденциясидан далолат беради. Бу эса тасвирий санъат ва дизайн дискурсининг маданий ва ижтимоий аҳамияти билан белгиланади ҳамда институционал дискурс терминологиясида энг муҳим унсурлардан бири ҳисобланади.

Дизайн ва тасвирий санъатнинг терминологик фонди санъатнинг лексик тизимига жуда яқин, чунки санъат ўзаро боғлиқ когнитив-вербал соҳадан иборат. Бир вақтнинг ўзида санъат йўналишларининг лексик-терминологик тизими

мустақил вербал-семиотик тузилма бўлиб, махсус деривацион-прагматик механизмлар ва тенденцияларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Маълумки, тасвирий санъат ва дизайн ўртасида жуда нозик алоқадорлик мавжуд. Уларни ҳаттоки бир танганинг икки томони сифатида баҳолаш мумкин. Иккала санъат тури ҳам предметли эстетик муҳитни шакллантиришга қаратилган. Дизайн ва декоратив амалий санъат асарларига бир хилда фойдалилик, мустаҳкамлик, гўзаллик хосдир. Бу йўналишдаги асарларни бир-биридан фарқлаш борасида турли фикрлар баён этилади. Баъзилар буюмларни оммавий тусга киритиш дизайн объектларининг асосий белгисидир деб кўрсатсалар, айримлар рассомнинг ноёб ижодини фақат декоратив-амалий санъат юзага чиқаради деб ҳисоблайдилар.

Тасвирий санъат ва дизайн дискурсида шу соҳада қўлланувчи ўзига хос бирликлар тизимидан фойдаланилади. Бу соҳаларда тизим ҳосил қилувчи фаол бирликлар сифатида *дизайн, тасвирий санъат, санъат, гўзаллик, нафосат, тасвир* кабиларни ажратиш мумкин. Бу бирликлар ушбу соҳалар лексик-семантик майдонининг марказидан ўрин олади.

Шуниси қизиқарлики, тасвирий санъат ва дизайн объектлари барча санъат асарлари каби жамиятнинг ривожланиш ҳолати, техник тараққиёти даражасини, ҳатто ижтимоий-сиёсий тузумни ҳам акс эттиради. “Дизайн тили”ни фақат яратилган объектлар орқали тушуниб олиш мумкин. Бу ҳолат тасвирий санъат ва дизайн соҳаларининг махсус бирликларини тадқиқ этишда санъат асарларини ҳам ўрганиш лозимлигини кўрсатади.